

Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг транспорт салоҳиятини ошириш тарафдори



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) 14-саммитида илгари сурилган ташаббусларга Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти марказ раҳбари Бахтиёр Мустафаевнинг шарҳи

Давлатимиз раҳбари Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) навбатдаги саммитида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бир қатор долзарб ташаббусларни илгари сурдилар. Улар орасида савдо-иқтисодий, транспорт, ишлаб чиқариш, илмий-технологик, туризм, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишларидаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш каби таклифларни санаб ўтишимиз мумкин.

Шу билан бирга менинг фикримча, юқоридаги йўналишлар орасида энг муҳими, шубҳасиз бу транспорт соҳасини ривожлантириш ҳисобланади. Фикримга асос сифатида энг аввало Ўзбекистоннинг денгиз йўлларида чиқиш имкониятига эга эмаслигини айтишим мумкин. Бундан ташқари, мамлакатимизда миллий иқтисодиётни модернизациялашга ва рақобатбардошлигини оширишга, жаҳон иқтисодий алоқаларига қўшилишга қаратилган кенг кўламли ва тизимли ислохотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишдаги вазифаларни бажариш самарадорлиги Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро транспорт-коммуникация тизимига интеграциялашувига ва янги бозорларга чиқишига боғлиқ.

Юқорида санаб ўтилган омиллар, Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан транспорт соҳасида ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Сабаби бугунги кунда Ташкилотга Европа, Форс кўрфази ва Ҳинд океанидаги бандаргоҳларга чиқиш имкониятига эга Туркия, Эрон ва Покистон каби давлатлар аъзо ҳисобланади.

Қолаверса бугун ИХТ давлатлари йирик бозор ва улкан иқтисодий салоҳиятга эга. Маълумотларга кўра, 2020 йил якунига кўра, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларининг аҳолиси сони **511** млн. кишини, ЯИМ ҳажми эса **1,92** трлн. долларни ташкил этди.

Шу муносабат билан Президентимиз ИХТ доирасида **транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш бўйича ҳамкорликни янада жадаллаштириш ташаббуси билан чиқдилар.** Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни хоҳлардим, транспорт-коммуникация соҳасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш нафақат Ўзбекистон миллий манфаатларига, балки Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо барча мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига хизмат қилади. Буни биз қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин.

Биринчидан, ИХТ доирасида кенг тармоқли ва истиқболли трансминтақавий транспорт-коммуникация тизимини шакллантириш муҳим масала ҳисобланади. Сўнгги йилларда Президентимиз Ш.Мирзиёев бошчилигида олиб борилган янги минтақавий сиёсат натижасида Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Ўмон, Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой, трансфғон каби трансминтақавий транспорт йўлакларини амалга оширишга кенг имкониятлар очилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг амалга ошиши ИХТ давлатлари иштирок этаётган “Шимол-Жануб” ва “Шарқ-Ғарб” халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшади. Натижада ИХТ аъзоларининг транспорт имкониятлари кенгайиб, инвестицион жозибадорлиги ошади.

Иккинчидан, транспорт-коммуникация соҳасида барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ИХТ давлатларининг транспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг Европа ва Осиё қитъасини боғлаб турувчи қулай геостратегик ҳудудда жойлашишига қарамай бугунги кунда Осиё ва Европа давлатлари ўртасидаги савдонинг **70%** денгиз транспорти, **25%** эса ҳаво транспорти, **5%** эса қуруқликдаги йўлаклар орқали амалга оширилмоқда. Қолаверса бугунги кунда ИХТга аъзо давлатларнинг 7 таси денгиз йўлларида чиқиш имкониятига эга эмас.

Учинчидан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида транспорт-коммуникация соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиш ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, истиқболли йўналишларни белгилашга хизмат қилади.

Транспорт-коммуникацияларни ривожлантириш масаласи 2017 йилда қабул қилинган **“Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг истиқболлари-2025”** стратегиясида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Хусусан ушбу ҳужжатда ИХТ давлатлари ҳудудидаги транспорт йўлакларини самарадорлигини ошириш ташкилотнинг стратегик мақсади қилиб белгиланган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Президентимизнинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида транспорт-коммуникацияларни ривожлантириш ташаббуси келажакда ягона транспорт-коммуникация маконинг шаклланишига, ташкилотга аъзо давлатлар орасида туризм, иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларида муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Манба